

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА МАНЗУРА ШАВКАТОВНА

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ CROTALARIA JUNCEA
L. ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ**

(Хоразм вилояти шароитида)

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Нуруллаева Манзура Шавкатовна

Экиш муддатлари ва меъёрларининг *Crotalaria juncea* L. ўсимлигини ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири (Хоразм вилояти шароитида)..... 3

Нуруллаева Манзура Шавкатовна

Влияние сроков и норм посева на рост, развитие, урожайность растения *Crotalaria juncea* L. (на примере Хорезмской области)..... 21

Nurullayeva Manzura Shavkatovna

Influence of timing and sowing rates on the growth, development and yield of the plant *Crotalaria juncea* L. (on the example of the Khorezm region) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА МАНЗУРА ШАВКАТОВНА

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ CROTALARIA JUNCEA
L. ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ
(Хоразм вилояти шароитида)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2022.1. PhD/Qx.848 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuaiti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Негматова Сурайё Тешаевна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар: Атабаева Халима Назаровна,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Саттаров Масъуджон Ахтамович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№139 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 11 кун тарқатилди.
(2022 йил «22» 11 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Sh.N. Nurmатов Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

F.M. Hasanova Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.н., профессор.

J.X. Axmedov Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда кроталария туркум ўсимликларининг 600 га яқин тури мавжуд бўлиб, 6-7 тури маданийлаштирилиб-Ҳиндистон, Австралия, Африка ва бошқа тропик ва субтропик мамлакатларда тола, яшил ўғит, ем-хашак, озик-овқат, доривор сифатида етиштирилади. «*Crotalaria juncea*дан асосий тола ишлаб чиқарувчилар -Ҳиндистон, Шри-Ланка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлиб, сўнгги ўн йилликда тола ҳосилдорлиги Ҳиндистонда 0,12-0,6 т/га, Шри-Ланкада 0,45 т/га, уруғ ҳосилдорлиги тупроқ шароитига кўра 10-22 ц/га гача бўлган»¹. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, дунёда чорвачиликни ем-хашак, енгил саноатни тола маҳсулоти ва аҳолини озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда *crotalaria juncea* экини майдонлари ҳамда уруғчилигини кенгайтириб, етиштириш технологияси элементларидан экиш муддати ва меъёрларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Дунёда ноанъанавий дуккакли экинлар хусусан *crotalaria juncea* етиштиришнинг илғор технологияси бўйича кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. *Crotalaria juncea*нинг потенциал имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўзига хос етиштириш технологияларни илмий асосларига таяниб, тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган тур ва навларидан экологик тоза, таркибида оқсил ва витаминларга бой бўлган дон ва пичан ҳосили ҳамда пишиқ тола маҳсулоти етиштирмоқдалар. Шу билан биргаликда *crotalaria juncea*нинг серҳосил навларининг етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлаш, сифатли тола маҳсулоти олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналиш деб белгиланган². Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 9-бандида озуқабоп экинларнинг янги навлари ва дурагайларини яратиш, уларнинг агротехнологияларини такомиллаштириш, бирламчи уруғчилик ишларини олиб бориш, тупроқ таркибини яхшиловчи кучсиз ва ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитларига мос юқори оқсилли ва ноанъанавий (оқ люпин, пайза ва бошқалар) озуқабоп экинларни иқлимлаштириш, селекция ва уруғчилик ишларини олиб бориш каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Бу борада

¹ <https://assessment.ifas.ufl.edu/site/assets/files/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли фармони.

алмашлаб экиш тизимларига ноъанавий экинларни киритиш ва етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш, чорвачиликда ем-хашак ҳажмини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, фармон ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси фанлари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ноанъанавий дуккакли экин кроталария туркум ўсимликларидан *crotalaria alata* L. Республикамизда М.Аберкулов, А.Кидербаева, Н.Рахимова, З.Юлиवास каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса, *crotalaria juncea* ўсимлигининг биоморфологик хусусиятларини ўрганиш, уруғчилиги, селекцияси ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича хорижий олимлардан А.Аbdul-Baki, Н.Вryan, А.Марoyi, G.Baird, С.Сook, Danielle, S.Gumari, G.Zinati, С.Orwa, G.White, J.Haun, S.Sarkar, S.Nazra ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, *crotalaria juncea* ўсимлигини етиштиришда экиш муддати ва меъёрларини унинг ўсиши ва ривожланишига, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига, дон ва пичан ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш масалаларидан келиб чиқиб, уни Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети № 12-сонли «Биология, экология ва қишлоқ хўжалиги муаммоларининг илмий ҳамда инновацион ечимлари» мавзусида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2017-2019 йй) ва Марказий Осиёда Сув (CAWa) Германия Федерал Ташқи Ишлар Вазирлиги томонидан молиялаштирилган АА 7090002 рақамли халқаро лойиҳаси (2018-2019 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикамизнинг шимолий минтақаси Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида *Crotalaria juncea* L. ўсимлигидан юқори сифатли дон, пичан ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда ем-хашак етиштириш ҳажмини ошириш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодий

самарадорликка эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: ўсимлик уруғини униб чиқиш динамикаси, амал даври давомийлиги, ўсиб-ривожланиши, ҳосил элементларини шаклланиши, ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрининг таъсирини баҳолаш;

crotalaria juncea фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига, пичани ҳамда дони таркибидаги протеин миқдориغا экиш муддати ва меъёрини таъсирини аниқлаш;

тажрибалардан олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш, ҳосилни барча ҳосил элементлари билан корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

тадқиқ қилинган тадбирларнинг натижалари асосида *crotalaria juncea* нинг дон ва пичан ҳосилини иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари, кроталария туркум ўсимлигининг *Crotalaria juncea* L. тури олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўрганилган барча агротехник тадбирларнинг таъсирида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, дуккак шаклланиши, туганаклар ҳосил бўлиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, дон ва пичан таркибидаги протеин миқдори, дон ва пичан ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларида олиб борилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”; тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари «Методы агрофизических исследований», «Методы агрохимических анализов почв и растений» қўлланмалари асосида олиб борилган, шунингдек олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида янги ноанъанавий дуккакли ўсимлик *crotalaria juncea* ўсимлигини мақбул экиш муддати (20-25.04) ва экиш меъёрлари (14 кг/га) аниқланган;

crotalaria juncea мақбул экиш муддат (20-25.04) ва меъёрида (14 кг/га) экиб парваришланганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, поя узунлиги 270,0-304,0 см; ён шохлари 8,6-11,7 дона; барг сони 210,0-265,0 донагача бўлиб, фотосинтетик фаолияти яхшиланиши эвазига 5,9 ц/га қўшимча дон ҳосили олиниши ҳамда дуккаклар сони ошиши билан дон ҳосили ўртасида ўртача даражада коррелятив боғлиқлик (корреляция коэффициенти $r=0,566$) борлиги исботланган;

crotalaria juncea ўсимлигини мақбул экиш муддат ва меъёри (20-25.04; 18 кг/га) да симбиотик фаолияти яхшиланиб, 173,9 ц/га пичан ҳосили олинган ҳамда пичан ҳосили билан кўчат қалинлиги (корреляция коэффициенти $r=0,915$) ва барг сатҳи (корреляция коэффициенти $r=0,941$) ўртасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик аниқланган;

*crotalaria juncea*нинг мақбул экиш муддат ва меъёрда етиштириш

иктисодий самарали эканлиги аниқланиб, дон учун экилганда 9 057764 сўм/га ва пичан учун экилганда 6 829563 сўм/га соф фойда олиниб, кўшимча дон, ем-хашак етиштириш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат: ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида *crotalaria juncea* нинг мақбул экиш муддати ва меъёри илмий асосланган.

Ўсимлик мақбул муддат (20-25.04) ва меъёрда (14 кг/га) экиб парваришланганда ниҳоллар униб чиқиши 3-5% тезлашган, бир туп ўсимликда барг сони 13,0-45,0 донага ортиши натижасида барг сатҳи 104,0-355,0 см² га ошган; дуккаклар сони 4-6,0 дона; 1000 дона дон вазни 0,8-1,9 г га кўпайиши ҳисобига гектаридан 18,6 ц дон ҳосили етиштирилиб, 5,6-5,8 ц/га кўшимча ҳосил олинган ҳамда рентабеллик даражаси 105,2% га тенг бўлган.

Crotalaria juncea ўсимлиги мақбул муддат (20-25.04) ва меъёрда (18 кг/га) экиб парваришланганда кўчат сони 67 000-193 000 туп/га ортиқ бўлган; поя узунлиги 9,0-34,0 см; барг сатҳи гектарига 11606,4-69590,0 м² гача ошиши натижасида фотосинтез соф маҳсулдорлиги (ФСМ) ортган; кўчат сонини ошиши ҳисобига гектаридан 600,4 ц кўк масса ёки 173,9 ц пичан ҳосили олинган ҳамда 59,7 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар умум эътироф этилган услубий қўлланмаларга мувофиқ ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар апробациядан ўтказилганлиги, тажриба натижалари амалиётда жорий этилганлиги, тавсиянома чоп этилганлиги ва муаллифлик гувоҳномаси (№004978) олинганлиги, тадқиқотлар натижаларининг Халқаро ва Республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида *crotalaria juncea* ўсимлигини парваришlashда мақбул экиш муддати ва меъёрларини қўллаш орқали ўсимликнинг унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятининг жадаллашиши, ҳосил элементлари шаклланиши, биометрик кўрсаткичлари, дон ва пичан ҳосили ҳамда унинг сифат кўрсаткичлари ортганлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ноанъанавий *crotalaria juncea* ўсимлигидан юқори дон, пичан ҳосилини таъминлайдиган мақбул экиш муддати (20-25.04) ва меъёрини (14; 18 кг/га) аниқлаш натижасида ноанъанавий янги дуккакли экинни етиштириш технологияси элементлари ишлаб чиқилган. Натижада, чорвачиликда ем-хашак сифатида етиштириш билан 5,6-5,9 ц/га кўшимча дон ҳосили ва 173,9 ц/га пичан ҳосили олингани ҳамда ишлаб

чиқаришга берилган тавсиялар асосида фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичларини ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Crotalaria juncea* ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ва ҳосил шаклланишига уруғ экиш меъёри ва шунга мутаносиб равишда экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Республикамызда ғўза-ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда чорвачилик кластерлари учун “Хоразм viloyati tuproq-iqlim sharoitida noan’anaviy dukkakli ekin - *Crotalaria juncea* L. o’simligini yetishtirish agrotekhnologiyasi bo’yicha” тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги № 07/23-04/6147 - сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Хоразм вилоятининг деградацияга учраган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида дон-дуккакли экинларини етиштирадиган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар томонидан қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида *crotalaria juncea* ўсимлигидан дон ҳосили учун “Назар Ота ўғли Ботир” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Хива Хурмат” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Акбарбек Хойрулла” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Рустам Марри” фермер хўжалигининг 0,3 гектар, “Даврон” фермер хўжалигининг 0,6 гектар, “Ражаббой Собиров” фермер хўжалигининг 0,4 гектар ер майдонларига, жами 2,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги № 07/23-04/6147-сон маълумотномаси). Натижада *Crotalaria juncea* ўсимлигини мақбул муддат (20-25.04) ва меъёрида (14 кг/га) экиб парваришланганда гектаридан 16,5-17,1 ц дон ҳосили олинди, рентабеллик даражаси 72,4-77,4% ни ташкил этган;

пичан ҳосили учун “Назар Ота ўғли Ботир” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Хива Хурмат” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Акбарбек Хойрулла” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Рустам Марри” фермер хўжалигининг 0,4 гектар, “Даврон” фермер хўжалигининг 0,8 гектар, “Ражаббой Собиров” фермер хўжалигининг 0,3 гектар ер майдонларига жами 2,7 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги № 07/23-04/6147 - сон маълумотномаси). Натижада *crotalaria juncea* ўсимлигини мақбул муддатда 25 апрелда 18 кг/га меъёрда экиб парваришланганда гектаридан 503,4-528,4 ц/га кўк масса ҳосили ёки 143,2-152,4 ц пичан ҳосили олинди, соф фойда 5620763-6509763 сўм/га, рентабеллик 59,7-68,6% эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Урганч давлат университети ва Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан махсус апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланиб, диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан диссертацияларни асосий

илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети келтирилган. Шунингдек, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунингдек, ўрганилган адабиётлар шарҳи бўйича хулосалар таҳлили келтирилган бўлиб, ноанъанавий экин кроталарияни келиб чиқиши, тарқалиши, қишлоқ ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, тола, ем-хашак, озиқ-овқат, дори-дармон сифатида ишлатилиши, тупроқ унумдорлигини оширишдаги роли бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида янги экинни етиштириш агротехнологияси, селекция ва уруғчилик ишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилмаганлиги, адабиётлар етарли эмаслиги туфайли ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ шароити ва агрофизикавий, агрохимёвий ҳолати, об-ҳаво шароитлари, тадқиқот услуби ва тажриба ўтказиш тизими, кроталария ўсимлигини тавсифлари ҳамда тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертация бўйича тадқиқотлар Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида 2017-2019 йилларда олиб борилган бўлиб, тажриба майдони тупроғининг механик таркиби, сизот сувлар сатҳи, тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклиги, тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий ҳолати, шўрланиш даражаси аниқланган.

2017 йилдаги дастлабки агрохимёвий таҳлил маълумотларига кўра, Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари гумус ва бошқа озиқа элементларига бой эмаслиги, яъни ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламлари жуда кам, нитратли азот ва калий билан ҳам кам таъминланганлиги аниқланган. Тажрибанинг учинчи йили амал даври охирида кроталария илдизларида ҳосил бўлган туганак бактерияларни биологик азот тўплаши ҳисобига нитратли азот миқдори

дастлабки ҳолатига нисбатан 0-30 см қатламда 1,77-4,05 мг/кг ва 30-50 см қатламда 0,62-1,26 мг/кг гача кўпайганлиги кузатилган. Шунингдек, тупроқ таркибидаги нитрат миқдори кўпайиши ҳисобига гумус миқдори ҳам 0,013-0,015% га ошиб, деградацияга учраган ерлар унумдорлиги яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатган.

2017 йилда тажриба даласи тупроғининг 5 та нуқтасидан олинган тупроқ намуналарида ўртача 100 г тупроқ таркибида хлор иони (Cl) 0,0420 %, SO_4 – 0,0585 %, куруқ қолдиқ 0,54 % ни ва Ph- 7,55 ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда тажриба даласи амал даври охирида шўрланиш даражаси аниқланганда ўсимликнинг уч йилда ўсиши ва ривожланишида ўсимлик ўзи билан тупроқдаги тузларни ўзлаштирилиши ҳисобига кроталария мақбул муддат (20-25.04) ва меъёр (18 кг/га) да экилганда тупроқ таркибидаги тузлар ва Ph миқдори дастлабки кўрсаткичга нисбатан хлор иони - 0,008%; сульфат тузи - 0,005%; куруқ қолдиқ - 0,1% ва Ph - 0,15 га камайганлиги кузатилган.

Шунингдек, вилоятнинг об-ҳаво шароитлари ўрганилиб, тажриба олиб борилган йилларда ўртача ҳарорат ёзда +25 - +32°C атрофида ўзгариб, максимумнинг ўртача кўрсаткичи +33 - +38°C бўлиб, максимал кунлик ҳароратнинг максимал кўрсаткичи +40 - + 45 °C гача кўтарилган. Ёзда температуранинг кўтарилиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштириб юборди. Чунки, кроталария тропик ўсимлик бўлиб, йиллик кундузги ҳарорат +20 - +30° C оралиғида ривожланиши яхши бўлиб, +40° C гача бўлган шароитларда ҳам яхши ўсади.


Тадқиқотларда тупроқ ва ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар ва ўлчовлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», Тупроқнинг агрохимёвий таҳлилларида “Методы агрохимических анализов почв и растений” қўлланмасидан фойдаланилган ҳолда тупроқдаги чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.И.Гриценко, нитратли азот ионометрик услубда, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдори Б.П.Мачигин ва П.В.Протасов усулларида, тупроқнинг агрофизикавий таҳлилларини ўтказишда “Методы агрофизических исследований” қўлланмасидан фойдаланилиб, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида тарозида тортиш йўли билан, тупроқ таркибидаги тузлар миқдори сувли сўрим усулида, ўсимликларни барг юзаси тарозида тортиш орқали А.А.Ничипорович усулида ҳамда LI-COR 3100 (LI-3100C Area Meter) ускунаси ёрдамида аниқланган.

Диссертациянинг “**Экиш муддат ва меъёрларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**” деб номланган учинчи бобда кроталария уруғини униб чиқишига, амал даври давомийлигига, кўчат қалинлигига, ўсимликнинг поя узунлиги, ён шохлари, барглари сонига, ҳосил элементлари шаклланишига, дон ҳосилига, барг сатҳи, куруқ масса миқдори, фотосинтез потенциали, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва симбиотик фаолиятига экиш муддат ва меъёрларини таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Кроталария уруғи 1 май санасида турли меъёрларда экилганда уруғнинг

тўлик униб чиқиши 87-92,5% бўлиб, экиш меъёрлари гектарига 10 кг дан 18 кг гача ошиб бориши билан уруғнинг униб чиқиши 1,8-5,5% гача юқори бўлган бўлса, амал даври охирида экиш меъёрини 10 кг/га дан 18 кг/га гача ошириб борилиши ўсимликларни нобуд бўлишини 0,3-0,5% ошиб боришига олиб келган. Шунингдек, кроталария уруғининг экиш муддатлари ва меъёрлари унинг амал даври давомийлигини ўзгариб боришига таъсир этиб, 10 апрел муддатида экилганида униб чиқишини 4 кунга кечикишини ҳисобга олмаганда амал даврининг давомийлиги кўчат қалинлигига боғлиқ равишда 188-192 кунни ташкил этиб, 22 апрел муддатида экилганида 2-3 кунга, 1-5 май муддатида экилганида эса 9-10 кунгача қисқариши кузатилган.

Ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига тупроқ, иқлим, ўғит, сув каби бир қанча омиллар қаторида уруғни экиш муддат ва меъёрлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Барча кузатув саналарида ўсимлик бўйи 20-25.04 муддатида экилганда юқори бўлиб, 15-сентябр ҳолатида эрта ва кеч экилган муддатларга нисбатан поя баландлиги 27-36 см га юқори бўлиб, экиш меъёрининг гектарига 10 кг дан 18 кг оширилиши ҳам ўсимлик бўйининг 17-28 см га юқори бўлишига олиб келган (1-расм).



1-расм. *Crotalaria juncea* ўсимлиги поясининг ўсиш динамикасига экиш муддат ва меъёрларини таъсири (2019 й.)

Ён шохлар ҳосил бўлишида ҳам экиш меъёрларини таъсири кузатилиб, бир туп ўсимликда экиш меъёрлари оширилиши билан ён шохлар сони 0,7-3,1 донагача камайиб борган. Бир туп ўсимликда ён шохларнинг кўпроқ ҳосил бўлиши учун уни 20-25.04 муддатида гектарига 10 кг уруғ экиш мақбул меъёр ҳисоблансада, 1 гектар майдон учун гектарига 14 кг уруғ экиш мақбул меъёр ҳисобланди.

Crotalaria juncea ўсимлигини 20-25 апрел муддатида гектарига 14 кг ҳисобида уруғ экилганда бир туп ўсимликда юқори миқдорда барг ҳосил бўлиши барг сатҳини ошишига, натижада ўсимлик томонидан кўпроқ органик модда ҳосил бўлишига замин яратилган.

Бир туп ўсимликдаги барг сатҳи барг сони билан тўғри пропорционал

ҳолда барг сони ортиши билан барг сатҳи ҳам ортиб бориб, бир туп ўсимликда барг сатҳи 14 кг/га экилганда юқори бўлган бўлса, бир гектар майдон ҳисобида экиш меъёрлари ошиши билан кўчат сони ҳисобига барг сатҳи ҳам ошади.

Тажрибада бир гектар майдондаги барг сатҳи майдони гектарига 18 кг уруғ экилган вариантларда кузатилди ва амал даври давомида гектарига 11606,4 м² дан 69590,0 м² гача ошиб борган.

Бир туп ўсимликдаги қуруқ масса миқдори экиш муддатларини таъсири ўрганилганда кроталария 22 апрел санасида экилган муддатда юқори натижа кузатилиб, пишиш даврида 110,70; 109,53; 104,55 г бўлиб, ушбу муддатдаги қуруқ масса миқдори эрта экилган муддат (10.04) га нисбатан 0,65-3,33 г ва кеч экилган муддат (1.05) га нисбатан 5,11-7,49 г гача кўп тўпланганлиги аниқланди. Кроталария ўрта муддатда экилганда ўсимликнинг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосил элементлари юқори кўрсаткичда бўлганлиги боис қуруқ масса миқдори ҳам юқори бўлган (2-расм).



2-расм. Бир туп ўсимликдаги қуруқ масса оғирлигига экиш муддат ва меъёрини таъсири (2019 й.)


Crotalaria juncea ўсимлигини фотосинтетик потенциали (ФП) шоналаш-гуллаш даврида вариантлар бўйича 104991,2-249815,2 м²/га бўлиб, юқори кўрсаткич кроталария 20-25.04 муддатида экилган вариантларда кузатилиб, барг сатҳи билан тўғри пропорционал бўлган ҳолда барг сатҳи юқори бўлган гектарига 14 кг уруғ экилган вариантда юқори бўлиб, 249 815,2 м²/га ни ташкил этган (1-жадвал).

Crotalaria juncea ўсимлигини фотосинтез потенциалидан келиб чиққан ҳолда фотосинтез соф маҳсулдорлиги аниқланди. Ўсимлик ривожининг шоналаш-гуллаш давларида фотосинтез соф маҳсулдорлик вариантлар бўйича 5,22-7,18; гуллаш-дуккаклаш даврида 12,88-18,07; дуккаклаш-пишиш давларида 8,47-12,30 г/м² кун бўлганлиги аниқланган.

Crotalaria juncea ўсимлигининг фотосинтетик потенциалига экиш муддат ва меъёрларини таъсири (2019 й.)

Вар.	Барг юзаси, м ² /га		Фотосинтетик потенциал, м ² /га Шоналаш-гуллаш даврида, (Л ₁ + Л ₂) x 16 кун/2
	Шоналашда, (16.06.2019), Л ₁	Гуллашда, (2.07.2019.), Л ₂	
1	4770,4	8353,5	104 991,2
2	7492,9	13468,0	167 687,2
3	8601,6	13399,7	176 010,4
4	6216,0	9891,0	128 856,0
5	10068,5	21158,4	249 815,2
6	11606,4	18328,4	239 478,4
7	5676,0	9234,2	119 281,6
8	8736,0	14938,5	189 396,0
9	9922,5	16320,0	209 940,0

Ҳосил элементларининг ҳосил бўлишида экиш муддат ва меъёрларини ҳам таъсири кузатилиб, кроталария 20-25 апрел муддатида турли меъёрларда экилганда шона, гул ва дуккаклар сони вариантлар бўйича 35,6-51,0; 54,5-50,3; 48,0-40,9 дона бўлиб, юқори натижа гектарига 10 кг уруғ экилганда шона - 35,6 дона, гул - 54,5 дона, дуккак - 48,0 дона бўлиб, экиш меъёрини оширилиши билан ҳосил элементларни сони камайиб бориши кузатилган. Экиш меъёрини ошириши билан ҳосил элементларини камайишига сабаб юқори меъёрда экилган вариантларда ҳосил шохларини камлиги билан изоҳлаш мумкин. 1 гектар майдондан юқори ҳосил элементлари эса гектарига 14 кг уруғ экилганда аниқланиб, бу вариантда кўчат сони ҳисобига юқори ҳосил олинган.



3-расм. Турли муддат ва меъёрларда экилган Crotalaria juncea ўсимлигини дуккаклар сони ва вазни (2019 й.)

15.10 ҳолатида бир туп ўсимликда пишган дуккаклар сони 32,0-51,0 донани; битта дуккакдаги дон сони 2,0-4,0 донани; битта дуккакдаги дон вазни

0,0734-0,1572 г; 1000 дона дон вазни эса 36,0-39,3 г ни ташкил этиб, юқори натижалар кроталария 20-25–апрел муддатида экилганда кузатилиб, 10 апрел муддатида экилганга нисбатан дуккаклардаги дон вазни 0,0429-0,0201 г га; 1000 дона дон вазни 0,7-1,2 г ва 1-5 май муддатида экилганга нисбатан мутаносиб ҳолда 0,0277-0,0035 г ва 1,4-2,3 г га юқори бўлиб, учала муддатда ҳам кроталарияни гектарига 10 кг меъёрда экилганда юқори натижа олинди, экиш меъёри 10 кг/га дан 18 кг/га га ошиб бориши билан дуккаклардаги дон вазни 0,0225-0,00637 г ва 1000 дона дон вазни 0,8-1,9 г гача камайиб бориши аниқланган (3-расм).

Crotalaria juncea ўсимлигини дон ҳосили олиш учун фойдали ҳарорат, экиш меъёри ва экиш муддатининг таъсири каттадир. Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ўсимликнинг дон ҳосилдорлиги октябр ойининг охири ва ноябр ойининг бошларида йиғиштириб олинди, кроталарияни 70,0-90,0% дуккаклари тўлиқ пишиб етилган ва экилган муддат ва меъёрларига кўра 10,0-30,0% дони тўлиқ етилмай қолган. Олинган маълумотларга кўра, кроталария 10-15.04 муддатида экилганда ўртача 3 йилда дон ҳосилдорлиги 9,7-12,1 ц/га бўлиб, ушбу кўрсаткич 20-25 апрел муддатида экилганида 13,2-18,0 ц/га; 1-5 майда экилганида эса 10,6-14,3 ц/га бўлиб, юқори натижа ўсимликдан апрел ойининг учинчи ўн кунлигида гектарига 14 кг уруғ сарфлаб экилган вариантда 18,0 ц/га бўлган.

Ушбу вариантдан худди шу муддатда гектарига 10 кг уруғ экилган вариантга нисбатан 2,4 ц/га; 18 кг/га уруғ экилган вариантга нисбатан 4,8 ц/га; 10-15 апрел муддатида 14 кг/га экилган вариантга нисбатан 5,9 ц/га; 1-5 май муддатида 14 кг/га экилган вариантга нисбатан эса 3,7 ц/га қўшимча дон ҳосил олинган (4-расм).



4-расм. *Crotalaria juncea* дон ҳосилдорлиги, ц/га (2017-2019 йй.)


Тажрибадан олинган натижалар асосида дуккаклар сони ва дон ҳосили ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилганда дуккаклар сони билан дон ҳосили ўртасидаги корреляция коэффициенти $r=0,566$ ($R^2=0,320$) га, унинг

хатолик даражаси $Sr=0,312$ га, регрессия даражаси $b_{yx}=0,496$ га, унинг хатолик даражаси эса $+0,273$ га, корреляция ва унинг хатоси орасидаги фарқ $tr=1,8$ га тенг бўлиб, ўртача даражада коррелятив боғлиқлик борлиги қайд этилган (5-расм).



5-расм. Дуккаклар сони билан дон ҳосили ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги (2019 й.)

Тажрибанинг учинчи йилида олинган маълумотларга кўра, ўсимлик ривожининг дуккаклаш-пишиш даврида бир туп *Crotalaria juncea* илдизида ҳосил бўлган туганаклар сони вариантлар бўйича 22-36 донагача бўлиб, юқори кўрсаткич 6-вариантда кузатилган.




6-расм. *Crotalaria juncea* илдизларида ҳосил бўлган туганаклар миқдори (2019 й.)

Ушбу вариантда ҳосил бўлган туганаклар сони 36 дона бўлиб, эрта муддатда экилган 3-вариантга нисбатан 11 донага; кеч муддатда 1 майда экилган вариантга нисбатан 6 донага; шу муддатда гектарига 10 кг экилган 7-вариантга нисбатан 8 донага; 2017 йилда экилган 6-вариантга нисбатан 6 донага ортиқ эканлиги кузатувларда аниқланди (6-расм).

Crotalaria juncea дони таркибидаги протеин миқдorigа экиш муддат ва меъёрларини таъсири ўрганилганда барча экиш муддатларида ҳам экиш меъёрлари ортиши билан протеин миқдори камайиб бориши кузатилган. Яъни, *Crotalaria juncea* 20-25 апрел саналарида экилганда турли экиш меъёрларида протеин миқдори 33,62 - 32,3% бўлиб, юқори кўрсаткич гектарига 10 кг уруғ экилган 4-вариантда кузатилди (33,62%). Ушбу вариантдан гектарига 14 кг уруғ экилган 5-вариантга нисбатан 1,15%, 18 кг/га экилган 6-вариантга нисбатан 1,32%, эрта муддатда экилган 1-вариантга нисбатан 1,8%, 10 кун кеч экилган 7-вариантга нисбатан 0,63% юқори натижа олинган.

Диссертациянинг «**Ем-хашак учун етиштирилган *Crotalaria juncea* нинг ўсиши, ривожланишига экиш муддат ва меъёрларини таъсири**» деб номланган тўртинчи бобда пичан ҳосили учун парваришланган кроталариянинг ўсиши, ривожланиши, пичан ҳосили ва таркибидаги протеин миқдorigа оид маълумотлар келтирилган.

Кроталария ем-хашак учун экилганда бир амал даври давомида 446,0-600,4 ц/га кўк масса ёки 133,0-173,9 ц/га гача пичан ҳосили олинган бўлиб, юқори натижа олинган 22 апрел муддатида гектарига 18 кг уруғ экилган 6-вариантда олинган. Худди шу меъёрда 10 апрел муддатида экилган 3-вариантга нисбатан 40,6 ц/га; 1 май муддатида экилган 9-вариантга нисбатан 10,7 ц/га; худди шу муддатда гектарига 10 кг уруғ экилган 4-вариантга нисбатан 34,7 ц/га; гектарига 14 кг уруғ экилган 5-вариантга нисбатан 16,8 ц/га юқори пичан ҳосили олиниб, кўчат қалинлиги ва пичан ҳосилдорлиги ўртасида (корреляция коэффициенти $r=0,915$) юқори даражада коррелятив боғлиқлик борлиги қайд этилди (7-расм).



7-расм. Кўчат қалинлиги ва пичан ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (2019 й.)

Шунингдек, диссертацияда кроталария пичани таркибидаги протеин миқдориға экиш муддат ва меъёрларини таъсири ўрганилганда ўсимлик мақбул муддатдан эрта ёки кеч экилиши ҳамда экиш меъёрларини ошириб бориш пичан таркибидаги протеинни камайиб боришига олиб келиб, кроталария 20-25 апрел муддатида турли меъёрларда экилганда протеин миқдори 17,78-20,23% ни ташкил этиб, экиш меъёрларини 10 кг дан 18 кг гача ошиб бориши билан протеин миқдори 1,92-2,45% гача камайиб борганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Кроталарияни ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш ва ем-хашак ҳамда дон учун етиштиришни иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқариш тажриба натижалари, сарфланган харажатлар, даромад, соф фойда, рентабеллик даражасига оид маълумотлар келтирилган.

Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида 2017-2019 йилларда ўтказилган тадқиқотлардан олинган илмий натижалар асосида 2020-2021 йилларда ишлаб чиқариш тажрибалари Хоразм вилояти, Хива туманининг 6 та фермер хўжалигида 2,7 гектар майдонда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганда мавсум давомида ундан 503,4-528,4 ц/га кўк масса, 143,2-152,4 ц/га пичан ҳосили олиниб, чорвачилик озуқа рациона янги, юқори калорияли озуқа билан бойитилгани ҳамда фермер хўжаликларини рентабеллиги ошишига эришилган.

Crotalaria juncea дон ҳосили олиш учун экиб парваришланганда вариантлар бўйича дони 9120 000 сўмдан – 17670000 сўмгача сотилганда 1 гектар ерга 7369 836 сўмдан 8612 236 сўмгача харажат қилиниб, гектаридан 993364 – 9057764 сўмгача соф даромад олинган, рентабеллик даражаси 12,2-105,2% ни ташкил этган. Юқори натижа *crotalaria juncea*нинг апрел ойининг 20-25 саналарида гектарига 14 кг унувчан уруғ экилган 5-вариантдан 9057764 сўм/га соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 105,2% ни ташкил этган.

Ушбу вариантдан гектарига 10 кг уруғ экилган 4-вариантга нисбатан 1 031 100 сўм/га, 18 кг/га уруғ экилган 6-вариантга нисбатан 5283600 сўм/га, худди шу меъёрда 10-15 апрел муддатида экилган 2-вариантга нисбатан 4715200; 1-5 май муддатида кеч экилган 8-вариантга нисбатан 3031200 сўм/га кўшимча соф фойда олинган.

Crotalaria juncea пичан ҳосили олиш учун экиб парваришланганда вариантлар бўйича *crotalaria juncea* пичани 13975500 сўмдан – 18259500 сўмгача сотилганда гектаридан 4484363 – 6829563 сўмгача соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 47,0-59,7% ни ташкил этган. Юқори кўрсаткич *crotalaria juncea* апрел ойининг 20-25 саналарида гектарига 18 кг унувчан уруғ экилган 6-вариантда аниқланиб, 173,9 ц/га пичан ҳосили олинган ҳамда соф фойда 6829563 сўм/гани, рентабеллик даражаси 59,7% ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ноанъанавий дуккакли экин-кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги турли муддатларда экилганда экиш меъёрининг ортиши билан уруғларнинг униб чиқиши 1,8-5,6 % тезлашган ҳолда экиш меъёри 10 кг/га дан 18 кг/га гача ортиши натижасида кўчатларнинг амал даври охирида сақланувчанлик даражаси 10-15 апрелда экилганда 97,3-96,8, 20-25 апрелда экилганда 98,6-98,0 ва 1-5 майда экилганда 98,6-98,1% ни ташкил этган.
2. Кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги 20-25 апрелда 14 кг/га меъёрда экилганда ўсимлик бўйи 304,0 см, ён шохлар сони 11,7 дона ва барглари сони 258 донани ташкил этиб, бошқа экиш муддати ва меъёрларига караганда юқори натижаларга эришилган.
3. Кроталария (*Crotalaria juncea*) нинг ўсув даври давомийлиги 10-15 апрелда экилганда экиш меъёрларига боғлиқ равишда 188-193 кунни ташкил этган бўлса, 20-25 апрелда экилганда 182-187 кун бўлиб 2-3 кунга, 1-5 майда экилганда 179-184 кун бўлиб, 9-10 кунга эртароқ пишиб етилгани кузатилган.
4. Кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлигининг барг юзаси экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда шоналаш даврида 268,0-331,2, гуллаш даврида 469,3-696,0 дуккаклаш даврида 1136,0-1224,0 пишиш даврида 1720,0-2064 см² га тенг бўлиб, 20-25 апрелда 14 кг/га меъёрда экилганда энг юқори барг юзаси шаклланиши аниқланган.
5. Кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги азот тўпловчи экин сифатида илдизида тўпланган туганак бактериялар сони ҳисобланганда, дуккаклаш-пишиш даврида 22-36 донага тенг бўлган ҳолда 20-25 апрелда 18 кг/га меъёрда экилганда энг кўп туганак бактериялар сони 36 дона ёки 0,684 г ни ташкил этган.
6. Республикамизнинг шимолий минтақаси Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлигидан экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда 10-15 апрелда экилганда 9,7-12,1 ц/га, 20-25 апрелда экилганда 13,2-18,0 ц/га, 1-5 майда экилганда 10,6-14,3 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, энг юқори дон ҳосили 20-25 апрелда 14 кг/га меъёрда экилганда 18,0 ц/гани ташкил этиб, эртаги экилган муддатга нисбатан 5,9 ц/га кеч экилган муддатга нисбатан 3,7 ц/га кўшимча ҳосил етиштирилган ҳамда экиш меъёри 10 кг/га нисбатан 2,4 ц/га, 18 кг/га нисбатан 4,8 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган.
7. Кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги 10-15 апрелда экилганда дон таркибидаги протеин миқдори 31,82-30,57, 20-25 апрелда экилганда 33,62-32,3 ва 1-5 майда экилганда 32,99-31,66% ни ташкил этиб, экиш меъёрлари орасида сезиларли фарқ кузатилмаган, лекин экиш муддатининг кечикиши билан протеин миқдори 1,0-1,5% гача камайиши аниқланган.
8. Кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги ем-хашак учун етиштирилганда мавсумда 4 марта ўриб олиниб, ўримлар бўйича ўсимлик бўйи 58,0-95,6 см ни ташкил этган ҳолда 138,8-182,0 ц/га кўк масса ҳосили олинган ҳамда 20-25

апрелда 18 кг/га меъёрида экилганда мавсум давомида энг юқори 600,4 ц/га кўк масса ҳосили олишга эришилган.

9. Янги турдаги ноанъанавий дуккакли экин кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлиги дон учун 20-25 апрелда 14 кг/га меъёрида экилганда энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб, 9057764 сўм/га соф фойда олинган ва рентабеллик 105,2% ни ташкил этган бўлса, ем-хашак учун эса 20-25 апрелда 18 кг/га меъёрида экилганда 6829563 сўм/га соф фойда олинган ҳамда рентабеллик даражаси 59,7% ни ташкил этгани аниқланган.

10. Республикамизнинг шимолий минтақаси Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ноанъанавий дуккакли экин кроталария (*Crotalaria juncea*) дан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун 20-25 апрелда 14 кг/га, ем-хашак учун 18 кг/га меъёрида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2 019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРУЛЛАЕВА МАНЗУРА ШАВКАТОВНА

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ПОСЕВА НА РОСТ, РАЗВИТИЕ,
УРОЖАЙНОСТЬ РАСТЕНИЯ CROTALARIA JUNCEA L.(на
примере Хорезмской области)**

06.01.08- Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2022.1. PhD/Qx.848

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ургенчском Государственном Университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.psuaiti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Негматова Сурайё Тешаевна
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Атабаева Халима Назаровна,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Саттаров Масъуджон Ахтамович,
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «9» декабрь 2022 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № 139). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «22» 11 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «22» 11 2022 года.)



**Ш.Н.Нурматов**
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

**Ф.М.Хасанова**
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов**
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время существуют около 600 видов растений групп кроталарии, где 6-7 видов окультурены и возделываются в качестве волокна, зелёного удобрения, корма, продовольствия, лекарства в Индии, Австралии, Африке и других тропических и субтропических странах. «Основными производителями волокна кроталарии являются Индия, Шри-Ланка, страны Южной и Юго-восточной Азии, где урожайность волокна в последние десять лет в Индии составила 0,12-0,6 т/га, в Шри-Ланке 0,45 т/га, урожайность семян в зависимости от почвенных условий составляет около 10-22 ц/га»¹. Исходя из этого, для обеспечения животноводство - кормом, легкой промышленности сырьём волокна и населения продуктами питания в мире большое значение имеет расширение посевной площади, а также расширение семеноводства кроталарии, разработка элементов технологии возделывания, как сроков и норм посева.

В мире проводятся широкомасштабные научные исследования по прогрессивным технологиям возделывания нетрадиционных бобовых культур, в частности, кроталарии. Используя потенциальные возможности кроталарии, опираясь своеобразным научным основам технологии возделывания видов и сортов в соответствии почвенно-климатических условий получают экологически чистое, обогащённое в составе с белком и витаминами урожай зерна и сена, а также прочный продукт волокна. Наряду с этим, за счёт совершенствования агротехнологии возделывания высокоурожайных сортов кроталарии, проводятся научные исследования по восстановлению, повышению плодородия почвы, обеспечению животноводство питательным продуктом, получению качественного продукта волокна.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019г. за №-УП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан предусмотренной на 2020-2030 годы» намечены приоритетные направления по рациональному и эффективному использованию природных ресурсов при устойчивом развитии сельского хозяйства, а также охраны окружающей среды⁴. Также в 9 главе Постановления Президента Республики Узбекистан от 18 марта 2019 года за №-ПП-4243 «О мерах развития и поддержке сферы животноводства» намечены ряд задач, такие как создание новых сортов и гибридов продуктивных культур, совершенствование их агротехнологий, проведения мероприятий по первичному семеноводству акклиматизировать высоко белковых и нетрадиционных (белый люпин, пайза и др.) продуктивных культур улучшающие свойства почвы соответствующей почвенным условиям с низкой и средней степени заселения, проведения мероприятий по селекции и семеноводству. При этом целесообразным считается расширение научных исследований по введению в схему севооборота нетрадиционные культуры и разработать агротехнологию их возделывания, а также улучшению мелиоративного состояния земель, повышению объёма

¹ <https://assessment.ifas.ufl.edu/site/assets/files/>

корма животноводства.

Данная диссертация в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 3 марта 2021 года за №-ПП-5017 «О дополнительных мерах по поддержке сферы животноводства со стороны государства» и от 8 февраля 2022 года за №-ПП-120 «Об утверждении намеченной программы на 2022-2026 годы по развитию сферы животноводства и его отрасли Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых документов, принятых по выполнению данных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»

